

## **ЗЎРАВОНЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙ ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ**

**Жалолов Шерзод Рустамович**

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги  
университети Илмий-амалий тадқиқотлар  
маркази бош илмий ходими, доцент, полковник  
тел: (+99893) 623-00-00

### **АННОТАЦИЯ**

*Ушбу мақолада зўравонлик жиноятлари тушунчаси ва турлари, мазкур жиноятларнинг сабаб ва шарт-шароитлари таҳлил қилинган ҳамда олимларнинг фикрларидан иқтибослар келтирилган. Соҳадаги мавжуд муаммолар аниқланиб, уларни бартараф этиш йўллари тақлиф этилган. Шунингдек, бу борада ҳуқуқни қўллаш ва юридик жавобгарликни такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган. Шу билан бирга, амалиёт билан боғлиқ жиҳатлар, статистик маълумотлар ҳамда хорижий ва халқаро тажриба кенг ёритилган. Мақолада халқаро тавсиялардан келиб чиқиб, зарур тақлифлар ишлаб чиқилган.*

***Калит сўзлар:** маънавий зўравонлик, жинсий зўравонлик, жисмоний зўравонлик, иқтисодий ва руҳий зўравонлик, тазйиқ, ҳимоя ордери.*

## **НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ СОВРЕМЕННОЙ ПРОФИЛАКТИКИ НАСИЛЬСТВЕННЫХ ПРЕСТУПЛЕНИЙ**

**Жалолов Шерзод Рустамович**

Университет общественной безопасности Республики Узбекистан Центр  
научно-практические исследования  
главный научный сотрудник, доцент, полковник  
тел: (+99893) 623-00-00

### **АННОТАЦИЯ**

*В данной статье анализируются понятие и виды насильственных преступлений, причины и условия совершения этих преступлений и цитаты приведены из мнений ученых. Выявлены существующие проблемы в данной области и предложены пути их преодоления. В этой связи также были рассмотрены вопросы правоприменения и совершенствования юридической ответственности. В статье охватывает широкий круг вопросов, связанных с практикой, статистикой, зарубежный и мировым опытом. А также в статье*

разработано необходимые предложения на основе международных рекомендаций.

**Ключевые слова:** бытовое насилие, половое насилие, физическое насилие, экономическое и психологическое насилие, притеснение, охранный ордер.

## **SOME ASPECTS OF MODERN PREVENTION OF VIOLENT CRIMES**

**Jalolov Sherzod Rustamovich**

The University of Public Security of the Republic of Uzbekistan  
chief researcher of Scientific-practical research center,  
acting associate professor, colonel  
(+99893) 623-00-00

### **ABSTRACT**

*The concept and types of violent crimes, the causes and conditions of these crimes were analyzed and quotes were given from the opinions of scholars in this article. Existing problems in the field have been identified and ways to settle them were suggested. As well as, issues of law enforcement and improvement of legal responsibility were considered in this regard. The article covers a wide range of issues related to practice, statistics, foreign and world experience. The article also developed the necessary proposals based on international recommendations.*

**Keywords:** domestic violence, sexual violence, physical violence, economic and psychological violence, harassment, protection order.

### **КИРИШ**

Жаҳоннинг барча давлатларининг конституциялари ва миллий қонунчилигида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, хусусан шахснинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва кадр-қимматини турли жинойт тажовузлардан ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият берилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам фуқароларнинг бир қатор асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, хусусан ҳеч кимнинг қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмаслиги, хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги, фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурлиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, инсон соғлиғи ва ҳаётига нисбатан содир этилган қилмишлар учун уларнинг турига ва оғирлаштирувчи ҳолатларга қараб Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида бир қанча моддаларда

жиноий жавобгарлик белгиланган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг бир қатор, хусусан 97, 98, 99, 103, 104, 105, 106, 109, 110, 112, 114, 115, 117, 118, 119, 121, 132, 135, 136, 137, 138, 142, 152, 153, 155, 158, 161, 164, 165 ва бошқа моддалари зўравонлик билан боғлиқ жиноятларни ўз ичига олади.

Мамлакатимизда зўравонлик жиноятлари замонавий профилактикасининг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари, шунингдек ушбу қилмишларнинг олдини олиш масалалари етарли даражада ўрганилмаган. Унинг айрим жиҳатлари мамлакатимиз олимларидан А.А.Отажанов, О.Ғ.Зокирова, Ф.Тахиров, С.С.Ниёзова ва бошқалар томонидан ўрганилган. Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик профилактикасини ўрганган олимларимиздан С.С.Ниёзова жаҳонда шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик профилактикаси, уни жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатдан ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос йўналишларини аниқлаш асосида мазкур соҳани такомиллаштириш, миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мослаштириш ва бу борада давлатлараро ҳамкорликни кучайтириш тенденцияси кузатилётганини ҳамда барча тадқиқотларда жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларни профилактика қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш етарли даражада ўрганилмаганлигини таъкидлаб ўтган [1].

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4075-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, 2019 йил давомида Наманган, Фарғона ва Андижон вилоятларининг ҳар бирида жиноятчилик аҳволидаги ўзгаришларни криминологик прогнозлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига услубий қўмаклашиш мақсадида республикамизнинг 46 та шаҳар ва туманларида Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳи томонидан ўтказилган ўрганишлар давомида аниқланишича, зўравонлик жиноятлари орасида энг кўп содир этилаётган тури – бу маиший зўравонлик ҳаракатлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида 2021 йилга қадар 197 та “Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш Марказлари” фаолият олиб борган. Статистик маълумотларга кўра, мазкур марказларга 2018 йили 22 минг 383 нафар хотин-қизлар мурожаат қилган. Шундан 7 минг 423 нафарига

психологик ёдамлар кўрсатилди. 2019 йилда ҳуқуқий масалалар юзасидан 3 минг 311 та мурожаат келиб тушган бўлса, уларнинг 800 нафардан ортиғи зўравонлик ва тазйиққа учрагани ҳақида. Умумий ҳисобда 2019 йилда 1000 га яқин аёллар маиший зўравонликдан азият чекишган [2].

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Шунингдек, маиший зўравонлик оиладаги болаларга, аёлларга, оиланинг бошқа аъзоларига, уй ҳайвонларига ва мулкка зарар етказиш билан таҳдидларни ўз ичига олади. Дунёда аёлларга нисбатан ишлатиладиган зўравонликларнинг 35 фоизи жисмоний ва жинсий шериклари томонидан содир этилган. 2017 йилда дунё миқёсида қасддан ўлдирилган 87000 та вояга етмаган ва аёлларнинг яримидан кўпи (50,000 - 58 фоизи) янги танишлари ёки оила аъзолари томонидан ўлдирилган. Дунё бўйлаб 137 та аёл эса ўз оила аъзоси томонидан ўлдирилган. Зўравонликлар туфайли ҳалок бўлган аёлларнинг 33-50 фоизи эрларининг калтаклари туфайли вафот этган [3].

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг 2021 йил 15 февралдаги 395-сон топшириғи ижросини таъминлаш доирасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан 2021 йил давомида мамлакатимизнинг жиноятчилик даражаси юқори бўлган 45 та туманида жиноятчиликнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитлар, уларга таъсир этаётган омиллар ўрганилган. Шу билан биргаликда маиший зўравонликнинг сабаб ва шароитларини ўрганиш юзасидан Тошкент шаҳрининг 56 та маҳалласида жами 1247 нафар фуқаролар билан ўтказилган экспертлик ва интервью шаклидаги сўровномалар натижасида қуйидаги муаммолар маълум бўлди:

1. Эркакларнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғида зўравонлик ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи кино ва видеороликларни кўришлари оқибатида уларнинг руҳиятига салбий таъсири кўрсатиши (психопатия) ва турмуш ўртоғи билан ўртасида турли масалалар бўйича келишмовчиликлар юзага келганда, хотини ёки фарзандларини ҳақоратлаш, уриб-дўппослаш ёки ўлдириш каби ҳаракатлар содир этилиши;

2. Қайнона ва келин ўртасидаги ўзаро келишмовчиликлар оқибатида, қайнона томонидан ўз ўғлини келинга нисбатан гиж-гижлаб қўйиш, натижада эр томонидан хотинини уриш, дўппослаш, қийнаш ва ҳақорат қилиш мавжудлиги;

3. Эркак киши томонидан спиртли ичимликлар ва гиёхвандлик моддаларини истеъмол қилиб ўта маст ҳолатда турмуш ўртоғи ва фарзандлари, баъзан ота-онасини ҳам уриш-дўппослаш ҳолатлари мавжудлиги;

4. Эркак киши томонидан оила аъзоларини уриб-дўппослаш ҳолатлари жабрланувчининг андиша қилиши, уялиши ёки такрор уриб-дўппосланишидан кўрқиб ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва маҳалла фуқаролар йиғинларига хабар бермасликлари оқибатида латент бўлиб қолаётганлиги;

5. Қайнота ва қайнонанинг келин уларга хизмат қилиши кераклигига ишончи ва келин уларни бирорта талабини бажармай қолган тақдирда ўғли орқали унга тазйиқ ўтказиш, урдириш, ҳақорат ва тухмат қилдирилиши;

6. Айрим оилаларда эрнинг опа-сингиллари томонидан унинг шахсий ҳаётига аралашуви оқибатида келинга нисбатан салбий фикрларни уйғотилиши, фиску-фасод гаплар билан унинг мавқеини эр олдида тушуриб ўзаро уриш-жанжал чиқишига сабабчи бўлишлари;

7. Кўпгина эркакларда турмуш ўртоғи уйда ўтириб бола тарбияси билан шуғулланиши, ишламаслиги кераклиги, у эрига моддий жиҳатдан боғлиқлиги ҳақидаги фикрларнинг мавжудлиги;

8. Оилада эрнинг моддий жиҳатдан яхши таъминланмаганлиги, вақтинча ишсизлик, кундалик рўзғорда етишмовчилик юзага келиши оқибатида аёлнинг бу ҳақдаги эслатма, эътироз ёки пичинг гаплари туфайли эркакнинг эмоционал ҳолати бузилиб турмуш ўртоғи ва фарзандларига жахл қилиб уларни уриб-дўппослашгача бўлган салбий ҳолатларнинг юзага келиши;

9. Ҳушёр ёки маст ҳолатда эркак кишининг турмуш ўртоғини номусига тегиш ва жинсий эҳтиёжини зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш жиноят эканлигини билмаслиги ва бунинг оқибатида хотинини жинсий алоқа қилишга мажбурлаши ва унинг ҳоҳиш-иродасига қарши ғайритабиий усулда жинсий алоқа қилишни талаб қилиши ёки жинсий алоқа қилиши;

10. Эр ёки хотин томонидан жинсий фаолликни етишмаслиги ёки ўта фаоллиги, тажовузкорлиги;

11. Эрнинг турмуш ўртоғини уяли телефон орқали (Facebook, telegram, instagram ва imo) ижтимоий тармоқлар бегона эркаклар билан алоқа қилаётганлигини аниқлаши ва натижада турмуш ўртоғини қаттиқ рашк қилиши ёки ундан қаттиқ нафратланиши оқибатида аёлини уриб-дўппослаши ёки ўлдириши.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида зўравонликнинг



жинсий, жисмоний, иқтисодий ва руҳий зўравонлик каби тўрт асосий тури белгиланган [4]. Мазкур Қонунга мувофиқ, хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, ҳукумат ва давлат ташкилотларининг соҳадаги ваколатлари ва хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда уларга чек қўйишнинг умумий чора-тадбирлари белгилаб берилди. Юқоридаги қонунга мувофиқ хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ички ишлар органлари, меҳнатни муҳофаза қилиш органлари, таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органларининг ҳамда соғлиқни сақлаш муассасалари ва хотин-қизлар идоралари масъул ҳисобланади. Ушбу Қонунга асосан ва хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари тазйиқ ва зўравонликдан ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги 3-сон қарори билан “Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш тўғрисида”ги низом тасдиқланди [5]. Мазкур Низомга кўра, ҳимоя ордери 24 соат ичида зўравонликка учраган фуқарога ички ишлар органларининг таянч пункти профилактика (катта) инспектори томонидан берилади. Жабр кўрган аёл ёки бу ҳақида хабардор бўлган учинчи шахс (кўшни, қариндош ва бошқалар) яшаш ҳудудидаги ҳуқуқ-тартибот органларига ариза билан мурожаат қилади. Профилактика инспекторлари жабрдийданинг яшаш шароитини ўрганиб чиқиб, 24 соат муддатда ордер бериш масаласи ҳал қилинади. Ҳимоя ордери ўттиз кун муддатгача берилади ва ушбу ордер расмийлаштирилган пайтдан эътиборан кучга киради. 30 кунлик муддат учун бериладиган ҳужжат 3 нусхада бўлади, яъни аризачи, зўравонлик содир қилган шахс ва профилактика инспекторида сақланади.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон қонунчилигининг юқоридаги нормалари ушбу йўналишдаги халқаро нормаларга тўлақонли мос келади ҳамда асосланади. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) ва унинг тегишли тузилмаларида оиладаги зўравонлик билан боғлиқ умумий муаммоларни, шунингдек, аёллар ва болаларга нисбатан унинг ўзига хос шакллари ва кўринишларини кўриб чиқилади. БМТнинг “Ўзаро ҳамкорлик ва зўравонликка қарши чоралар тўғрисида Бангкок декларацияси”да (2005 йил 16

декабрдаги 60/177-сон резолюция) маиший зўравонлик оқибатида содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш ва жиноий одил судлов соҳасида стратегик иттифоқларни яратиш долзарблиги кўрсатилган [6]. Мазкур декларация БМТ Жиноятларнинг олдини олиш ва жиноий одил судлов бўйича ўн биринчи Конгрессида қабул қилинди. Ушбу халқаро ҳужжатга асосан, ҳукуматлар жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича ҳар томонлама стратегияларни амалга ошириш жиноятчилик ва қурбонларнинг даражасини сезиларли даражада камайтиришига қаратилганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, БМТ Бош ассамблеясининг 2006 йил 19 декабрдаги 61/143-сон “Аёлларга нисбатан зўравонликнинг барча шакллари йўқ қилиш бўйича сайъ-ҳаракатларни кучайтириш тўғрисида”ги резолюцияси аёлларга нисбатан зўравонликнинг барча турлари учун жиноий жавобгарликни белгилаш зарурлигини таъкидлайди ва давлатларни барча қонун-қоидаларни қайта кўриб чиқишга ёки бекор қилишга чақиради [7].

Шу билан бирга, Европа Иттифоқини таъсис этиш тўғрисидаги тўғрисидаги Шартноманинг 2-моддасида гендер тенглик ва камситмаслик тамойили қатъий белгилаб кўйилган. Европа Иттифоқининг амал қилиши тўғрисидаги Шартноманинг 8-моддасида эса аъзо давлатларнинг маиший зўравонликнинг барча шаклларига қарши курашиш аъзо давлатларнинг олдида сиёсий мажбурият юклатилган. Ҳозирги кунда Европанинг Гендер тенглиги институти (European Institute for Gender Equality) ҳамда Фундаментал ҳуқуқларни таъминлаш агентлиги (Fundamental Rights Agency) ўртасидаги ҳамкорлик доирасида гендер зўравонлик тўғрисидаги маълумотларнинг аниқлаш, йиғиш, тўғрилигини таъминлаш ва таҳлил қилиш бўйича ишлар Европа Иттифоқининг “Гендер тенглик мақсадида стратегик иштирокчилик”да белгиланган вазифаларни амалга оширишга қаратилган [8] [9].

Бу йўналишдаги хорижий давлатлар тажрибасига қарайдиган бўлсак, Буюк Британиянинг 2004 йилдаги “Оиладаги зўравонлик, жиноятлар ва қурбонлар тўғрисида”ги (Domestic Violence, Crime and Victims Act) қонунида судларнинг маиший зўравонлик ишлари билан боғлиқ процессуал ҳуқуқларини кенгайтириш, вояга етмаган ёки ожиз ҳолдаги фуқароларнинг ўлими билан боғлиқ жиноят ишларини кўриб чиқишда суд тергови тартибига янги қоидаларини жорий этиш ва суд ижрочиларига уйларга куч ишлатиб кириш ҳуқуқини берган [10].

Шунингдек, Америка Қўшма Штатларида 1994 йилда маиший зўравонлик, жинсий зўравонлик ва шахсни таъқиб қилишга қарши “Аёлларга қарши

зўравонлик тўғрисида”ги қонун (Violence Against Women Act) қабул қилинган [11]. Мазкур қонун маиший зўравонликни федерал даражада жиноят деб белгилайди. Унда аёлларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш ва маиший зўравонлик қурбонларига тегишли хизматларни кўрсатиш учун штатларга грантлар ажратиш имконияти кўзда тутилган. Ушбу Қонун асосида жинсий ва фуқаролик адлия тизими ҳам қайта кўриб чиқилган, жинсий эркинликка қарши такрорий жиноятлар учун федерал жарималар икки баравар оширилган. Ушбу қонун доирасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, прокуратура, жабрланувчилар билан ишловчи хизматлари ва адвокатлар томонидан жабрланганларга мувофиқлаштирилган ёрдамни кўрсатиш тизими батафсил тушунтириб ўтилган.

Шунингдек, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ҳам ёшлар ва ўсмирлар ўртасида зўравонлик ҳолатларини, жумладан мактаблардаги “буллинг”ни олдини олишга доир қатор тавсиялар ишлаб чиқилган [12]. Хусусан, бу борада аъзо давлатлар қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратишлари лозим:

*Биринчидан*, ёшлар зўравонлигининг олдини олиш бўйича барча манфаатдор томонларни жалб қилган ҳолда миллий стратегия ва режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Бунда соғлиқни сақлаш бўйича ваколатли идоралар миллий стратегия ва режаларни ишлаб чиқишда етакчи рол ўйнаши керак, ушбу стратегияда бошқа давлат тузилмалари, маҳаллий ҳокимиятлар ва бошқа манфаатдор томонларни жалб қилган ҳолда профилактик ёндашувлар назарда тутилиши лозим.

*Иккинчидан*, аниқ чоралар кўриш, далилларга асосланган бирламчи профилактик тадбирларни ўтказиш. Профилактик чора-тадбирларнинг иқтисодий самарадорлиги борасида кучли далиллар мавжуд ва уларни дарҳол амалга ошириш керак. Зўравонликнинг асосий сабабларини бартараф этиш учун комплекс ёндашув зарур: ота-оналарга ёрдам бериш, ёшлар ўртасида ҳаётий кўникмаларни ривожлантириш, спиртли ичимликлар ва қурол-яроғлардан фойдаланишни чеклаш ва атроф-муҳит шароитларига ўзгартиришлар киритиш, хусусан, мактаб зўравонлигининг олдини олиш ва хавфсизликни яхшилаш. спиртли ичимликлар ичиладиган жойларда. Бунда маданий меъёрлар ва ижтимоий маҳрумлик ва тенгсизлик каби асосий детерминантлар диққат билан кўриб чиқилиши керак.

*Учинчидан*, зўравонликдан омон қолганларга ёрдам кўрсатишни яхшилаш. Соғлиқни сақлаш тизимлари жабрланганларга жисмоний шикастланиш ва



зўравонликнинг рухий оқибатлари учун юқори сифатли даволаниш, қўллаб-қувватлаш ва реабилитация хизматларини кўрсатиши керак. Турли тармоқлар ўртасида мувофиқлаштиришни яхшилашни назарда тутувчи яхлит ёндашув зарур.

*Тўртинчидан*, инсон ресурсларини шакллантириш ва энг яхши тажрибалар билан бўлишиш. Зўравонлик профилактикаси тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассисларни тайёрлаш бўйича ўқув дастурларига киритилиши керак. Миллий зўравонлик ва шикастланишларнинг олдини олиш марказлари, амалиётчилар, академиклар ва нодавлат ташкилотлари каби мавжуд тармоқлардан фойдаланган ҳолда энг яхши тажриба алмашиш керак.

*Бешинчидан*, зўравонлик сабаблари, оқибатлари ва харажатлари тўғрисида маълумот тўплашни такомиллаштириш. Ёшлар зўравонлигининг олдини олиш сиёсатини тузиш ва унинг бажарилишини назорат қилиш учун асос яратиш учун ўлим, касалланиш, ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар, хавф омилларининг таъсири, зарар ва оқибатлар ҳақида ишончли маълумотлар керак. Соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалар ўртасида маълумот алмашиш асосий ҳисобланади.

*Олтинчидан*, илмий устуворликларни белгилаш ва тадқиқотларни қўллаб – қувватлаш. Ҳар бир ёшдаги хавф ва ҳимоя омиллари бўйича минтақавий тадқиқотларни кенгайтириш, профилактика чораларини баҳолаш учун пухта ишлаб чиқилган аралашув тадқиқотлари ва дастурга хос мониторинг ва баҳолашни ўтказиш керак.

*Еттинчидан*, аҳоли хабардорлигини ошириш ва ёшлар зўравонлигининг олдини олишга мақсадли сармоя киритиш. Ёшлар зўравонлигининг олдини олиш самарадорлиги тўғрисида хабардорликни ошириш асосий вазифадир. Соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалар, шунингдек халқаро ва миллий нодавлат ташкилотлар жамиятда ва оилада хавфсизликни яхшилашга қаратилган кенгрок давлат сиёсатини илгари суриш учун қўлидан келганини қилиши керак. Шунингдек, фан, таълим ва муаллифлик ҳуқуқи соҳасидаги жавобгарлик масалаларини ҳам тадқиқ қилиш муҳим саналиб, хусусан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида ҳаммуаллифликка мажбурлаганлик учун ҳам тегишли жавобгарлик белгиланган. Бу жараёнда ҳам биз зўравонлик элементларини кўришимиз мумкин [13].

## ХУЛОСА

Юқоридаги муаммоларни олдини олиш мақсадида ва Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан берилган тавсияларни эътиборга олган ҳолда қуйидагилар таклиф этилади:

- Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунида кўрсатилган субъектларнинг ўзаро ҳамкорлигида аҳоли ўртасида ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғибот бўйича ишларни янада жадаллаштирилиши;

- узоқ муддатга чет эл давлатларига чиқиб кетадиган вояга етмаган фарзандлари бор фуқароларнинг, ўз фарзандларини қонуний тартибда жойлаштиригандан (васийлик ва ҳомийлик белгилаш) кейингина, чиқиб кетишини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши;

- оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилаётган жиноятлар профилактикасини кучайтириш мақсадида маҳаллаларда яраштириш комиссиялари фаолиятини тубдан қайта ташкил этиш, оилавий зўравонликларни олдини олиш, тажовузкор ёки салбий хулқ-атворга эга шахслар билан психологлар ишини ташкил этишга қаратилиши;

- содир этилаётган жиноятларини сайёр суд мажлисларида кўриб чиқиш, келиб чиқиш сабаблари, унинг салбий оқибатлари бўйича кўрсатувлар тайёрлаб, маҳаллий телевидение орқали ёритиб борилиши;

- Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига “Оилавий-маиший зўравонлик” ва “Вояга етмаган шахсни жиноят содир этишга мажбур қилиш” номли янги моддаларни киритилиши мақсадга мувофиқдир.

## REFERENCES

1. Ниёзова С.С. Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик профилактикаси. Юрид. фан. док. дисс. автореферати. – Тошкент, 2020. – 24 б. // [https://tsul.uz/files/avtoreferat/niyozova\\_s.pdf](https://tsul.uz/files/avtoreferat/niyozova_s.pdf)
2. URL: <https://www.minjust.uz/uz/press-center/news/99071/>
3. URL: <https://uza.uz/uz/posts/khotin-izlarni-tazyi-va-z-ravonlikdan-imoya-ilish-masalasiga-21-10-2020>
4. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни // URL: <https://www.lex.uz/docs/4494709>

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги 3-сон қарори билан “Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш тўғрисида”ги низом // URL: <https://www.lex.uz/docs/4676892>
6. Ўзаро ҳамкорлик ва зўравонликка қарши чоралар тўғрисида Бангкок декларациясида (2005 йил 16 декабрдаги 60/177-сонли резолюция) // URL: <https://www.un.org/ru/events/11thcongress>
7. БМТ Бош ассамблеясининг 2006 йил 19 декабрдаги 61/143-сон “Аёлларга нисбатан зўравонликнинг барча шаклларини йўқ қилиш бўйича сайъ-ҳаракатларни кучайтириш тўғрисида”ги резолюцияси // URL: <https://base.garant.ru/70255024/>
8. URL: <https://eige.europa.eu>.
9. URL: <https://fra.europa.eu>.
10. [www.legislation.gov.uk](http://www.legislation.gov.uk)
11. URL: <https://www.britannica.com/event/Violence-Against-Women-Act>
12. European report on preventing violence and knife crime among young people. // World Health Organization: Europe, 2010. // [https://www.euro.who.int/\\_data/assets/pdf\\_file/0012/121314/E94277.pdf](https://www.euro.who.int/_data/assets/pdf_file/0012/121314/E94277.pdf)
13. Юлдашов, А., & Чориев, М. (2020). Договорно-правовые отношения в области авторского права и ответственности за нарушение авторского права: национальный и зарубежный опыт. *Общество и инновации*, 1(1/S), 511-522.
14. Yuldashov, A., & Usmonov, V. (2022). COPYRIGHT PROTECTION IN TELECOMMUNICATIONS NETWORKS: THE EXAMPLE OF BLOCKCHAIN TECHNOLOGY. *European Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 4, 22-29.
15. Yuldashov, A. (2020). Intellektual mulk bo‘yicha milliy strategiyalarning ahamiyati va Butunjahon intellektual mulk tashkilotining bu borada tutgan o‘rni. [The importance of national intellectual property strategies and the role of the World Intellectual Property Organization in this regard. Legal Information,] *Yurist axborotnomasi*, 1(2), 53-59.
16. ТЎРАКУЛОВА, Н., & Юлдашов, А. (2022). ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲУҚУҚИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ. *Conferencea*, 467-471.